

ЖИЗЗАХЛИК
«ТЕМИР ХОТИН»



3



4

Шухрат Қайумов:
**ВАТАН ОНА КАБИ
МУҚАДДАС!**



**ҚАР ЕРНИ
ҚИЛМА ОРЗУ...**

6



8

**ТИЛИ БОШҚА,
ДИЛИ БОШҚА**

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Назира БОЙМУРОДОВА
сурат-лавҳаси.

Ватан манзараларини чизайин дейман!

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

«Ниҳол — 2013» соҳиблари тақдирланди	2
Андижонлик орденли маслаҳатчи	3
Ўзинг ойда бўлсанг ҳам... ..	5
Ақлли жониворлар тилини ҳеч ким тушунмайди	7
Етти ойлик турмуш ёхуд алданган келин	7
Мерос талашган қонунни билмайдими?	8

ҲИКМАТ

Кишига лозим эрур
ҳар на ҳолда шукр,
Хоҳ камолда бўлсин,
хоҳ заволда, шукр.

ОГАҲИЙ

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Санъат оламига кириб келаётган, катта саҳналарга дадил қадам қўётган ёшларга бугун кекса авлод вакилларининг ҳавас билан қараётгани сир эмас. Негаки, мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг жамиятда етуқ шахс бўлиб шаклланишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, йигит-қизларнинг иқтидори ва қобилиятини тўла намоён этиши учун яратилаётган имкониятлар эса бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Юртбошимиз томонидан таъсис этилган "Нихол" мукофоти санъат соҳасида изланаётган ёш истеъодлар учун жуда катта рағбат бўлмоқда ва уларни янги-янги ижодий ютуқлар сари илҳомлантирмоқда.

Юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик шодиёналари арафасида "Нихол" мукофотининг жорий йилдаги ғолиб ва совриндорлари аниқланди. Пойтахтимиздаги "Истиклол" санъат саройида мазкур мукофотни топшириш маросими ва гала-концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов ёш авлодни ҳар томонлама етуқ инсонлар этиб тарбиялаш, улар қалбида истиқлол ғояларига меҳр-муҳаббат, Ватанга садоқат, мустақил юрт тақдирини унутмаслик, фидойилик сингари улғу фазилатларни шакллантириш Президентимиз раҳнамолигида давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, етти йилдан бери "Нихол" мукофоти ғолибларини саралаш тизими уч босқичда олиб борилмоқда. Боиси, юртимизнинг барча ҳудудларида яшаб, ижод қилаётган иқтидор эгаларини тўла қамраб олиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун "Нихол" мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш

тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу мукофот учун танлов икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган.

Жорий йилнинг 14-16 июль кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган республика босқичида иштирокчилар мумтоз, эстрада, опера, рақс сингари турли йўналишлар бўйича ўз иқтидорларини намоён этишди. Танлов ғолиблари ўз йўналишлари бўйича олий ўқув юртига имтиҳон ва тест синовларисиз, давлат гранти асосида ўқишга кириш имконияти, "Нихол"нинг махсус статутэкаси ва энг кам иш ҳақининг 70 баробари миқдорига пул мукофотиغا эга бўлади.

...Нихоят, ҳаяжонли дақиқалар бошланди. "Нихол"нинг 2013 йилги ғолиблари номи эълон қилинди. Унга кўра, опера ижрочилиги бўйича Науризбек Махаммадиев (Қорақалпоғистон Республикаси), Абдулла Ширинов (Қашқадарё вилояти), мумтоз кўшиқ йўналишида Элдор Фуломов (Анджон), Дилфуза Қобилова (Бухоро вилояти), Зулхумор Мама-расулзода (Жиззах вилояти), эстра-рада йўналишида Гўзал Жуманиёзова (Дилсўз) (Навоий вилояти), Гулсал Абдуллаева (Наманган вилояти), Шерзод Ортиқов, Умида Хўжаева (Тошкент шаҳри), Нодира Абдурахмонова (Тошкент вилояти), рақс санъати бўйича Феруза Хўжанова (Самарқанд вилояти), мумтоз кўшиқчилик бўйича Умида Ҳамидова (Сирдарё вилояти), Жайхунбек Матмуродов (Хоразм вилояти), мусиқа ижрочилиги бўйича Қахрамон Фуломжонов (Тошкент шаҳри), Фаргона санъат коллежи ўқувчиларининг "Нихол" ўзбек халқ чолгулари ансамбли мазкур мукофотга лойиқ топилди.

Нуфузли мукофотни Ўзбекистон халқ артистлари, эл ардоқлаган санъат намоёндалари гулдурас қарсақлар остида совриндорларга топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ҒУРУР ВА ИҒТИХОР РАМЗИ

Ш у к у ҳ

Яқинда идорамизга бир отахон кириб келди. Фарзандларига мерос сифатида қолдираётган кўнмас мулкларини расмийлаштириш истагида эканлигини изхор этди. Камтарин, камсукумгина кўринган етмиш ёшлардаги бу отахоннинг айтаётган ҳар бир гап-сўзи дадил, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам саводхонлиги баланд экани бизни беҳад қувонтирди.

— Кўп йиллар ҳайдовчи бўлиб ишладим. Шу касбимнинг ортидан юртда обрў-эътибор топдим, фарзандлар тарбияладим, давлатимизга минг раҳмат, энди нафақага чиқиб, ҳалол меҳнатим рохатини кўраяман, — дейди отахон фахрга тўлиб. — Илгари кўпчилик ўзининг фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари, амалдаги қонунлар ҳақида деярли кам маълумотга эга эди. Шу соҳада ишлаётганлар нима дейишса, хўп деб кетаверардик. Энди эса замон бошқача. Асосийси, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини ўрганиши учун тегишли равишда шароитлар яратилмоқда. Олайлик, бизнинг маҳалламизга ҳуқуқшунос, нотариус ва мутахассислар тез-тез келиб, турли мавзуларда учрашув ва суҳбатлар ўтказишиб, мамлакат Парламенти ва Сенати томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда Президентимиз имзолаган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳияти хусусида атофтли маълумотлар беришяпти. Қолаверса, бизлар ҳам ўзимизни қизиқтирган қатор саволларга қониқарли жавобларни олаёмиз. Энди англаймизки, ўз ҳуқуқини билган ва англаган кишининг тили ҳам бурро бўларкан, дадилдадил гапираркан. Мухими, қаерга борса, ишини пухта битираркан.

Бугун барча ўзбекистонликлар энг

улғу ва энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик муборак тўйига қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан белгилаб олинган "...ислохот —



ислохот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак" деган одамларимиз қалбидаги орзу-интилишларни ифода этган олийжаноб дъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этиб, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида инсон омилига, унинг ҳақ-ҳуқуқларига кўрсатилган эътибор эндиликда ўз самарасини бермоқда.

Биз зиммамизга юкланган масъулиятли вазифаларни адо этиш учун деярли ҳар кун фуқаролар билан мулоқотда бўламиз. Айниқса, турли масалалар юзасидан идорамизга му-

рожаат этаётган юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси йил сайин ошиб бораётгани, энг қувончлиси, мустақилликнинг энг олий неъмат эканлигини чин юракдан ҳис этаётгани, бу ишончининг кундан-кунга мустаҳкамлини бораётганига кўп бора гувоҳ бўлаёмиз.

Ҳар бир ватандошимизнинг тинч, эмин-эркин, хотиржам яшаётгани кўнгилга ўзгача шуқуқ бағишлайди. Дунёнинг айрим нуқталарида нотинчлик ҳукм сураётганини кўриб, эшитиб, ўз заманимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг нақадар қадри ва азиз эканлигини англаймиз. Қачонки, қаерда бўлмасин, тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлса, Конституция ва амалдаги қонунлар халқ манфаатига хизмат қилса, шу юртда яшаётган инсонлар ҳаёти сермазмун, оиласи обод, турмуши ҳаловатга тўлиб бораверади.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона ва одилона сиёсат туфайли бугунги кунда юртимизда барча соҳалар бўйича тараққиёт ва юксалиш йўлига ўтдик. Албатта, эришилаётган улкан муваффақият ва бунёдкорликлар замирида мустақиллик аталмиш улғу ва тенгсиз бойликнинг мазмун-моҳияти мужассам эканлигини ҳар биримиз кўриб-билиб турибмиз. Бугун биз ғурур ва ифтихор билан "Биз — истиқлол фарзандларимиз!" дея Ўзбекистонимиз шаъни ва доврғини дунёга ёяётган ёшлар билан ҳақли равишда фахрланишга ҳақлимиз.

Данонон ИШОНОВА,
Зулфия НИЗОМИДДИНОВА,
Тошкент шаҳар
Шайхонтохур тумани
ДНИ нотариуслари.

ҲАШАР ЭЛГА ЯРАШАДИ

Мустақиллик даврига келибгина халқимизнинг азалий удумларидан бири саналган ҳашар умуммиллий анъанага айланди, десак янглишмаймиз. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида шу йилнинг августи ободонлаштириш ва тозалик ишлари ҳамда 24-25 август — умумхалқ хайрия ҳашари кунлари деб эълон қилиниши кўпчиликни руҳлантириб юборди. Айни кунларда бу катта тадбирга жиддий тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруvidан хабар қилишларича, икки кунлик ҳашардан тушган хайрия маблағлари эҳтиёманд оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий-маънавий кўмак бериш, кам таъминланган хонадон аҳллари фарзандларининг тўй-томошаларини ўтказиш каби савобли юмушларга сарфланади.

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК

"Соғлом авлод учун" хайрия жамгармаси бир қатор халқро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳуқуқиматимиз қарорлари ҳамда Давлат дастурлари ижросини таъминлаш борасида юртимиздаги бемор ва ногирон болаларни соғломлаштириш мақсадида қўллаб-қўллаш ишларини амалга ошириб келмоқда.

2002 йилда "Соғлом авлод учун" халқро хайрия жамгармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Friedensdorf International" халқро ташкилоти ўртасида тузилган уч томонлама ҳамкорлик битими доирасида ҳозирги кунга қадар 218 нафар ўзбекистонлик бемор бола терининг қуйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа ташхислар билан Германиянинг нуфузли клиникаларида даволянишди.

Ушбу халқро ташкилотнинг грант маблағи ҳисобига жорий йилда республикамиз бўйича жами 118 нафар туғма лаб-танглай нуқсонли бўлган ногирон болада 13,110 минг сўм маблағ доирасида жарроҳлик операциялари ўтказилди.

Шу билан бир қаторда "Чиройли оёқчалар" лойиҳасига кўра туғма оёқ нуқсонли (маймоқлик) ва "қийшиқ бўйин" ташхиси билан 15 ёшгача бўлган 149 нафар бемор бола операция қилинди ва жами сарфланган харажат 13,762 минг сўмни ташкил этди. Ўтган ҳафта 12 нафар бола даволяниш учун жамгарма вакиллари ҳамроҳлигида Германияга жўнаб кетди.

Ушбу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида, жорий йилнинг 19-22 апрель кунлари Жанубий Корея Республикасининг "Junior Chamber International - JCI" халқро ёшлар ташкилоти вакиллари ва Пундан Ча университетте қошидаги Ча госпиталининг малакали шифокорлари республикамизга ташриф буюриб туғма юрак нуқсонли ташхисли беморларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказишган эди. Шундан ўтган бемор болалардан уч нафари 13 август кун Кореядаги нуфузли госпиталларда даволяниш учун жўнаб кетди. Худди шу кун эса навбатдаги 13 нафар ўсмир Германияда даволяниш курсларини ўтаб, юртимизга қайтиб келди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

ЖИЗЗАХЛИК “ТЕМИР ХОТИН”

Жазирама ёз бўлишига қарамай, Жиззах вилоятининг Жиззах туманига қарашли, тоғлар этагидаги Кўрпасой қишлоғи оқшомида совуқдан этингиз увишади. Салқин сарҳарларида эса устингизга иссиқроқ кийим иласиз. Тоғликларга эса бу иссиқ-совуқларнинг аҳамияти йўқ, бундай табиатга бешиқдаги гўдагигача кўникиб кетишган.

Хали қуёш тоғидан кўтарилмай туриб, кенг ҳовли сатҳига муздек булоқ суви сепилган. Ҳовли четидаги ўчоқ бошида қип-қизариб пишган қозон патирни у қўлидан бу қўлига “пуф-пуф”лаб олаётган Саломат момо келинига куви ёғи келтиришни буюради. Қирдаги чорбоғдан ола қарғалар ерга тўкиб кетган олмаларни икки челақ қилиб териб келган қизи Раънонинг юзиде табассум.

— Олмалар пишмай туриб хайф қилишади бу зормандалар,— деб куйинади момо қизининг қўлидаги челақни олarkan. — Намунча оғзинг қулоғингга етмаса, эссизгина-ей...

— Сал бўлсаям дарахт бечора энгиллашганига куламанда, ҳосилини кўтаролмай шохлари ерга тегиб ётибди, она. Тўкилса тўкилар, қолганиям этади, — дейди юзлари нақш олмадек гўзал Раъно. Сўнг бизга қараб қўшиб қўяди:

— Онамга қолса олма пишгунича биттаям тўкилмаса-да.

Саломат момо офтоб кўтарилмасдан ҳамма рўзгор ишларини саражжом-саршита-лашни хуш қўради ва оила аъзолариям шунга кўникиб кетишган. Бир этак неваралари шаҳардан “ҳаво олиш”га келишган. Келини катта ёнғоқ дарахт остидаги сўрига дастурхон ёзади. Шаҳарликларнинг нонушасидан фарқли ўларок, файзли дастурхонга қозон патир келтирилди, ўрта-сида салкам бир килоча куви сарёғи олтиндек товланиб турибди. Янги соғилган сут ус-

тидаги бир энлик қаймоғи билан косаларда тортилди. Бугун “пишилган” янги куви сарёғи қўйилди, ҳовли этагидаги чорбоғнинг шудринг чайган помидор-бодринглари лаганларга терилган.

— Кечаги катикнинг “бети”дан олиб кел, — дейди Саломат момо. — Эрталабки нонушта ишни ундирлади.

Дастурхондаги хар бир нарса тоғ гиёҳларидек тоза, иштаҳани оцади, кўзни яшнатади. Бу ердагилар чойни гиёҳсиз ичишмайди, момонинг айтишича, улар кишини бардам, ишини унумли қиларкан.

Дарвоқе, Саломат момо Юлчираева ҳақида икки оғиз сўз. Момо ҳозир 74 ёшда бўлса-да, юзлари ўзи етиштирадиган “Бахмал олма”сидек қип-қизил, қадди-қомати тик, ҳаракатлари ёшларникидек чаққону эпчил. Турмуш ўртоғи Нуркул бобо билан 53 йил умргузаронлик қилди. Мана шу ўзи туғилиб ўсган тоғ бағридаги она қишлоғида бахт нималигини китобий тилда билмаса-да, қўнгилда шукроналик билан яшаб келади. Аллоҳ уларга саккиз қиз ва бир ўғил ато этган. Қизлари ўғилдан кам меҳнат қилмайди. Тогда фақат мол-ҳол ва ерга меҳр бериш керак, рўзгоринг шу билан тўқис ва обод бўлади. Момонинг ҳамма қизлари ўзига ўхшаган меҳнаткаш, “темир жон”лардан. Умидасидан бошқа ҳамма боласи уйли-жойли. Момонинг биттагина илнжи шу кенжасини кўзи триригида узатса, омонатидан қутиларди.

— Раҳматли отаси бирор марта қизи кўпчилигидан шикоят қилмади, ҳозиргилар икки-та қиз туққан хотини билан

ўғил туғмадинг, деб ажрашди. Минг раҳмат у кишига, у дунёси нурга тўлсин, қизларимни ўнта ўғилга алмаштираман, дерди раҳматли. Кудратиллаамгаям Худодан



ўғил сўраганим сўраган, шукр қизлари қанотимга кириб қолишган. Ёлғизим ўзидан кўпайсин дейман-да. Бизда иш кўп-да айланай, йигит кишилар қарсиллатиб бажарадиган юмушлар кўп. Бу гектар ҳовли жойлардаги чорбоғни шу саккиз қиз билан яратганмиз. Каромат, Клара, Комила, Жамила, Янглиш, Раъно, Наргиза, Умида — ҳаммаси ўзимга ўхшаган рўзгор деса борлигидан тонади. Кудаларимдан фақат раҳмат эшитганимдан кейингина айтаман бу гапларни...

Саломат момо қирдаги 3 гектар ерда янги боғ яратишга киришганига кўп бўлмади.

Раҳматли чоли билан яхши ниятда ишга киришганди, у киши омонатини топширди, кетди. Момо нима қиларини билмай, ўзи енг шимариб ишга киришди. Бугун ўша минг машаққат билан экилган ва парваришлаган кўчатлари ҳосилга кирди. Гилос, шафтоли, ўрик, бодом, нашвати, ёнғоқ ва олма дарахтлари ҳосили мўллигидан ерга букчайиб турибди. Дарахтлар орасидаги “ола жой”ларга эса рўзгорбоп помидор, бодринг, булғор қалам-пири, кўкатлар, қовун-тарвуз экилган.

— Бу қирга сув келтириш осон бўлмаган, не-не довулдан, дўлдан, сел балосидан боламдек асрадим бу кўчатларни, — дейди момо олмаларини кўрсатиб. — Хув, баландликни кўраясизми, ортида булоқ бор, меваларини булоқ сувидан ичишади, ана шунинг учун жудаям мазали ва хушхўр. Эртаю кеч чорбоғ ишларига бандлигимни кўрган ҳамкиш-лоқларим “Темир хотин” деб лақаб беришган, ўзимга маъқул тушади бу ном. Ростдан ҳам куш тинади, биз тинмай-миз. Бу ердаги ҳаво роса тоза, икки соат ухласанг, этади.

Саломат момо мева дарахтларининг хар бирини худди фарзанди каби яхши кўради, ҳаммасини буй-бастини, “дарди”ни айта олади. Ҳадемай мевалар фарқ пишади, момонинг қилган меҳнатлари роҳатга айланади. Ҳалол меҳнатинг эвазига ҳеч нарсадан камчилигинг бўлмай яшашга нима етсин.

— Мана шу қирликларда, чорбоғимда ўтириб Юртбошимизни дуолар қиламан, илоҳим юртимизга кўз тегмасин. Давлатимиз биз аёлларга имкониятлар яратмаганида, бизнинг ва болаларимизнинг гамини чекиб мурувват кўрсатмаганларида бу боғу роғлар қайда эди. Минг раҳмат, ер эгасини топса халқнинг дастурхониям тўлади. Мана ўзимнинг хонадонимдан мисол, нимадан кам жойимиз бор, уйда рангли телевизор, уяли телефон, мебеллар, машина, бир қўтон мол-ҳол...

Авваллари биринчи қор тушгунча яқинларимизни қўриб келардик ё улар келиб кетишарди, тоғ йўллари носоз эди. Ҳозир “Нексия”да кишини ёзин қатнаймиз, болаларимнинг ҳаммаси турли жойларда яшашса-да, кунора теле-фонда гаплашамиз, замонани, ривожланишни қаранг. Илойим, юртимиздаги тинчликка ёмон назар тушмасин, ёшу қарига инсоф, умр, сихат-саломатлик берсин, тилимиздан шукримиз йўқолмасин.

Момонинг ён қўшини бир этак ўғил-қизларни тарбиялаб камолга етказган Абдурашулота ва Рухсат момо Қўшбоқовларнинг тадбиркорлиги, ерга бўлган меҳри бағри кенг ўзбек халқининг меҳнатсеварлигидан, болажонлиги матонатидан бир нишона десак арзийди. Уларнинг боғу роғлари ва тадбиркорлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Тогдаги содда ва самимий, бир бирови билан жон жигардек бўлиб яшаётган ён қўшнларнинг жаннатмақом чорбоғлари бизнинг фахримиз, дастурхонимиз файзи ва барокатидир. Бахтимизга мана шундай жафокаш онажонларимиз, суянган тоғларимиз ва дуоғўйларимиз омон бўлишсин, зеро, улар билан кўнгил тўқ, юртимиз янада обод ва осойиштадир.

Норинисо ҚОСИМОВА,
“Оила ва жамият”
мухбири.
Жиззах вилояти.

ОРДЕНЛИ МАСЛАҲАТЧИ

Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан Жалолқудук туманидаги “Гайрат” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳраҳон Ибрайимованинг “Дўстлик” ордени билан тақдирлангани маҳалладошларини, туман хотин-қизларини, маслаҳатчини таниган, билган одамларнинг барчасини бирдек қувонтирди.

— Камтарона меҳнатимизнинг Юртбошимиз томонидан нуносиб баҳоланиб, шундай шарафли мукофотга лойиқ кўрилганининг ўзи юртимизда хотин-қизларга бўлган эътибор ва рағбат юксак даражада эканлигини яна бир қарра исботлайди, — дейди Гулчеҳраҳон қувончини яширолмади. — Бу мен каби фаол аёлларни руҳлантириш билан бирга, улар зиммасига янада масъулиятлироқ вазифаларни ҳам юклаши табиий.

2410 нафар аҳоли билан мулоқот қилишдан ташқари, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик, ҳамдам бўлиш ҳам мушкул иш. Шунинг учун

ҳам Гулчеҳраҳон илк фаолиятини одамлар кўнглига йўл топишдан бошлади. Осойишталик эса кўп жиҳатдан оилалар тотувлиги ва ҳамжиҳатлигига боғлиқ. Хар қандай муаммонини маҳалла фаоллари Умидаҳон Отахонова, Гулчеҳраҳон Йўлдошева, Олмаҳон Ҳасанова, Азимжон Мамажонов, Йўлдош Алижонов, Таштемир Азимовлар билан бамаслаҳат ҳал этишга ўрганди. Бундан ташқари, тарғибот, тушунтириш ишлари жараёнида фақат панд-насихат билан чекланиб қолмай, улар билан жонли мулоқот тарзида иш олиб бораётгани яхши самара берапти.



— Худудимизда 504 та хонадон, 580 та оила истикомат қилади, — дейди Гулчеҳра Ибрайимова. — Хар бир фуқаро билан ҳамкорликни яхши

йўлга қўйганимиз боис, аҳолининг ҳамжиҳатлигига эришдик. Маҳалламизда турли миллат вакиллари истикомат қилади. Чеғара худудларига яқин жойлашганимиз учун профилактика инспектори ва посбонлар билан ҳамкорликда яхши олиб бора-япмиз. Шунингдек, маҳалламизда “Ёшлар орасида наркотик ва гиёҳвандликка қарши кураш”, “Одам савдосига қарши кураш”, “Оилада соғлом турмуш тарзини ташкил этиш” каби мавзуларда ўтказилган тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмади. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлашни истардим, хорижга борма, у ерда қийинчиликларга дуч келасан, дейиш билан кишини бу йўлдан қайтариш қийин.

Замондошларимиз

Бунинг учун, аввало, уларга иш ўринлари яратиб беришимиз лозим. Шунинг учун маҳалламизда касаначиликни ривожлантириб, кичик корхоналар очиб, кўплаб аёлларни доимий иш ўринлари билан таъминладик. “Отабек Комилов хусусий фирмаси” томонидан 16 нафар қизлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Мунира Муҳаммедова “Муҳаммед-2” фермер хўжалиги ҳамда паррандачилик хўжалиги очиб, кўплаб маҳалла ёшларини иш билан таъминлади. Гулжаҳон Усмонова “XXI аср” фермер хўжалигида пахтачилик ва тутчиликни ривожлантириш баробарида маҳалла хотин-қизларига кўмақдош. Шохиста Абдураҳмонова, Ойшаҳон Турсунова сингари дўппидўз чеварларимиз ўнлаб қизларга “устоз-шоғирди” анъанаси бўйича бир неча касб-кор сир-асрорларини ўргатмоқда.

Бу каби хайрли ишларни ташкил этишда жонқур маслаҳатчи Гулчеҳраҳон Ибрайимованинг беиннат хизмати борлигини маҳалланинг каттаю кичиги эътироф этади.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” мухбири.
Андижон вилояти.



Шухрат ҚАЮМОВ:

ВАТАН ОНА КАБИ МУҚАДДАС

Тарбияда

ҳикмат бор

Фарзандларимиз бизнинг келажагимиз. Уларни ақли расо, ориятли, етук инсонлар этиб тарбиялашда онадан ҳам кўра, менинг назаримда, отанинг зиммасидаги масъулият юки оғирроқ. Ота ва фарзанд муносабатларига халқимиз азалдан алоҳида эътибор билан қараган. Бола тарбиясини у туғилганидан оқ бошлаш зарур, деган қарашлар мавжуд. Аммо донишманд халқимизда: “Бўлажак ота фарзанди тарбиясини унинг онасини танлашдан бошлаши лозим”, деган ўғит ҳам бор. Сабаби, она қанчалик илмли, дунёқараши кенг, тарбияли бўлса, бу хислатлар болага ҳам ўтади. Айрим одамларда қиз боланинг ўқиши шарт эмас, барибир турмушга чикса ишламайди, фарзанд тарбиялаб, уйда ўтиради, деган нотўғри қарашлар ҳам бор. Бироқ мен бу фикрга қаршиман. Қиз боланинг ўз вақтида илм олиши, ўқимиши, зиёли инсон бўлиши унинг фарзандлари тарбиясида, ўз оиласини оқила бекаси бўлишида жуда кўл келади. Илмли, маърифатли аёл ҳар томонлама етук ва баркамол фарзандларни вояга еткази олади. Шунинг учун ҳам уйланидиган йигит, энг аввало бўлгуси рафиқасининг қанчалик маърифатли ва маънавиятли эканига эътибор бериши лозим. Йигитлар уйлангач, рафиқасининг ҳомиладорлик даврида аввалгидан ўн чандон ортиқ эътиборли бўлишлари талаб этилади. Энди унинг зиммасига оталик масъулият туюпти. Қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, барибир отанинг ўрни оилада муҳимроқдир.

Айтайлик, санъаткорлар аксар ҳолларда кечалари ишлайди, ижодий сафарлар билан гоҳида ҳафтада оиласидан узоқда бўлиши мумкин. Лекин булар ҳеч қандай бахонага ўрин қолдирмайди, яъни ота ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг сусайишига сабаб бўла олмайдди. Ўғил-қизимиз ўзининг

Серкирра ижодкор, соҳир овоз соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Қайумовнинг кўшиқларини тинглар эканмиз, кўнглимиздаги туйғулар беихтиёр тозариб бораётгандек, инжа ҳислар қалбимизга ошно бўлаётгандек энгил тортамыз. Айниқса, унинг она-Ватан, ўзбек аёли, фарзандлик бурчи ҳақидаги “Бу ҳаёт”, “Ғаниматим онажон”, “Аёлим”, “Сиз ўшаму?” деб номланган кўшиқлари ёшу қарини бирдек ўзига ром этиб, дилларга хузур бағишлайди.



ҳар бир ютуғида отанинг эътибори ва рағбатини энг катта мукофот ўрнида қабул қилишини, бизни суюнтириш, хурсанд қилиш учун астойдил ҳаракатда бўлишларини унутмаслигимиз керак.

Кўшиқчининг вазифаси битта

Бугунги кунда жонли ижрода кўшиқ айтаётган айрим кўшиқчиларни ҳадеб макташадигани менга жуда эриш туюлади. Аслида кўшиқни маромига етказиб, пардаларини бузмай жонли тарзда айтиш ҳар бир хонанданинг асл вазифаси, бурчи эмасми?! Масалан, стоматолог шифокор хузурига бориб, тишимизни даволатсак, унинг қилган ишидан ҳайратга тушамизми, албатта, йўқ, тўғрими! Бу унинг оддий, кундалик иши. Шу маънода кўшиқчиллики ҳам ўзига касб, қисмат деб билган ҳар бир ижодкор жонли оҳангда куйлашга мажбур. Шу талабга жавоб бера олсагина санъат оламида ўз ўрнини топади. Элга манзур бўлади. Акси бўлса...

“Тараннум” телекўрсатуви орқали кўлаб ёш ва забардаст хонандалар билан учрашамиз. Улар мумтоз наволаримизни маромига етказиб, худди устоз санъаткорларимиздек ҳеч бир пардасини бузмай ижро этишганида, албатта, жуда қувонамиз. Кўрсатув режиссёри Баҳром Юсупов кўлаб устоз санъаткорлар билан ёнма-ён ижод

қилган, улар ижросидаги тароналарни бевосита тинглагани учун санъатни теран тушунади. Шу боис кўрсатуви тайёрлаш жараёнида ҳар бир меҳмонимиз ўзига хос бир мактабни ўтаб кетади, десам муболага бўлмайди.

Кўшиқчиликда жонли ижронини тарғиб қилиш борасида яна бир қувонарли ҳолни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси директори Азамат Ҳайдаров ташаббуси билан “Марду майдон” кўрик-танлови эълон қилинган. Бу хайрли иш ҳам ўз самарасини бераётганини кўпчилик эътироф этаётир.

Менинг ўзим жонли ижро тарафдориман. Ўз касбини эъозлаган одам унинг талабларини бекаму кўст бажариши керак. Бугунги кунда санъатда ўз ўрнини топишга интилаётган хонандалар жуда кўп. Уларнинг ҳеч бири ҳақида яхши ёки ёмон фикрлар билдиришни истамайман. Ҳар бир ижодкорнинг касбига қанчалик масъулият билан ёндошиши унинг ижоди ва кўшиқларида намоён бўлади.

Онам дуосини олганман

Олам яралибдики, одамзот Она таърифига сўз, қиёс излайди. Мутафаккирлар, донишманд ва алломаларнинг битикларида ҳам бу борадаги бетақрор ҳикматларни учратамиз. Жумладан,

Гурун г

мен ҳам онамнинг олдида ўзимни ҳамиша қарздор деб биламан ва уларнинг дуосини олиб, хизматига шай турман. Оналар ҳақидаги кўшиқларимнинг хит даражага кўтарилишига балки шундай омиллар сабаб бўлгандир.

Оналар ҳақида куйлаган хонанда кўшигини юракдан ҳис этмаса, аслида унинг ўзи онасининг қадрига етмаса, бу таронанинг юки энгил бўлади. Кўнгиллаларга етиб бормайди. Ота-она дуоси ҳар бир фарзанд учун бахт калидидир. Айтишади-ку, инсон учун икки дунё саодати отонанинг ризолигида, деб. Онажонимнинг дуолари тўғри бўлади ўз ўрнини топдим. Бахтлиман, десам арзийди. Буни ўз ҳаётим таърибамда кўрганам учун ҳам бошқаларга етказишни истайман.

Дилда бўлсин юрт сурати!

Халқимизда мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан, деган ажойиб нақл бор. Инсон қачонки, ўзга юртларга бориб, мутлақо ўзгача муҳитга тушиб қолганида, ўзи туғилиб ўсган заминнинг урф-одатларини, унинг ҳеч бир миллатниқига ўхшамаган қадрият ва анъаналарини соғинади. Худди Она каби Ватани ҳам ҳеч бир нарсага қиёслаб, ўхшатиб бўлмайди. Нафақат бизда, балки, бошқа чет тилларида ҳам “Ватан” сўзи “Она” билан боғланиб, Она-Ватан дея таърифланар, онага қиёсланар экан. Шунинг ўзи сирли ва ибратли ҳикмат эмасми?

Ҳозир юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, ободлик, фаровонлик, тўю танталарнинг гувоҳи бўласиз. Буларни кўриб, қалбимизга севинч, фахр-ифтихор тўлади. Ёши улуг отахону онахонларимиз шу кунларга етганими учун беҳисоб шукур, дея дуолар қилишади.

Энг улуг ва энг азиз байрам — буюк истиқлолимизнинг 22 йиллик тўйи арафасида турибмиз. Тилагим, халқимиз омон бўлсин, юртимизда барқарор бўлган тинчлик ва тотувликка ҳеч қачон кўз тегмасин. Узини Ўзбекистон фарзандиман деб чин юракдан ҳис қилувчи инсонлар сафи кенгайверсин. Ҳар бир сўзида ҳикмат яширинган дуоғўй оталар ва фаришталар дуоғўй оталарга таъзим қилайлик.

“Оила ва жамият” муҳбири
Барно МИРЗААХМЕДОВА
ёзиб олди.



УЛОВ — кейинги пайтларда бу сўз йўловчи ёки юк ташувчи транспорт воситалари маъносини ҳам англата бошлаган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, аслида “улов” сўзи қадимда “миниб юриладиган ҳайвон”, “иш ҳайвони” мазмунини билдирган “улағ”, яъни “улоқ” сўзидан келиб чиққан. “Улов” сўзининг “улоқ” сўзидан келиб чиққани диққатга лойиқ. Қизиғи шундаки, “улоқ” сўзи кейинги даврларга келиб “эчки” ва “кўпқари” маъноларини англата бошлаган.

ҚУМҒОН — тарихимизда ўчоқда чой қайнатиш учун кўзача шаклида ясалган идиш “қумғон” деб аталган. “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да изоҳланишича, “қумғон” сўзи тарихидаги “қум” сўзи “тўлқинлан”, “қайна” деган мазмунни ифодалаган.

Ўчоқнинг бошида ўтга қўйилган қора қумғон вақирлаб қайнайд.

Суннатилла
Анорбоев

КОСМОНАВТ — тилимизга юнон тилидан келиб келган “космонавт” сўзининг туб илдиизи “космос” — “қоинот”, “nautes” — “денгизчи”, “денгизда сузувчи” деган маънони англатади. Космик кемада космосга учувчи мазмунини билдирган “қосмонавт” сўзи “қоинот денгизчиси”, “қоинотда сузувчи” маъносини билдирган.

Космонавтларнинг фикрича, инсон вазнесизлик ҳолатида анча узоқ вақт ишласа бўлади.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

ХУНАРИДАН БАХТ ТОПГАН

Рамиля Жўрабевани Чиноз туманига қарашли Олмазор шаҳарчаси аҳли кўпчиликнинг назарига тушган қўли гул устоз дея қадрлайди.

Халқимиз орасида қайнонали келин, қарқара келин, деган ажойиб гап бор.



Бу жиҳатдан Рамилянинг пешонаси ёруғ экан, яхши қайнонага учради. Ўғли Муроджонни ҳарбий хизматга қақаришгач, ҳаётнинг пасту баландини кўп кўрган Холдорхон ая келинини ёнига ўтказиб: "Ўғлим келгунча уйда зерикиб ўтирмай, бирор хунарнинг бошини тутгин", деб насиҳат қилди. Қайнона-келининг фикри бир жойдан чиқди. Рамиля Тошкентдаги Офицерлар уйи қошида ташкил этилган тикувчилик курсига ўқишга кирди. Келини пухта хунар эгаллаши учун Холдорхон ая уни қўллаб турди. Ўғлини соғиниб, келини тикаётган янги-янги либосларни кўриб овуниб юрган она яқин орада неварали бўлиши мумкинлиги ҳақидаги хушxabарни эшитиб, беҳад суюниб кетди. Интилувчан келин фарзандли бўлганидан кейин ҳам ўқиб-ўрганишдан тўхтамади. Рамиля маҳалла кизларининг сепига аталган қўйлақларни тика бошлаганида Холдорхон аянинг боши осмонга етгудек бўлди. Тунлари кичкинагина хонада тикув машинаси устида мук тушган келинининг ёнида мижжа қоқмай, чақалоқни аллалади. Унинг меҳрига Рамиля ҳам меҳрибонлик билан жавоб қайтарди. Янги келинчақлик пайти ўчок, тандир нималигини билмасди. Тез орада қайнонасидан пазандалик, нон ёпиш сирларини ўрганди. Рўзгор ишларини ўз қўлига олди. Нон ёпишу, ўчоқда овқат пиширишда маҳалланинг мана-ман деган келинларини ортада қолдирадиган бўлди. Муроджон ҳарбийдан қайтгач, мусиқа йўналишида таълим олди.

— Ўша кезлари Олмазор шаҳарчасига сел келди. Биз турган катақдек ҳовлининг ҳам аҳволи танг эди, — дейди Рамиля опа Жўрабеве. — Қайнонам раҳматли, болаларим, иккингиш ҳам хунарлисиз, битта рўзгорни эплайсиз, деб бизни алоҳида ҳовлига кўчирди. Эрхотин бирга ҳаракат қилиб, уй-жойларимизни таъмирдан чиқариб, рисолада-

гидек қилиб олдик. Кейин аста-секин қайниларимни оёққа тургазиб, ўқитдик. Ҳозир уларнинг ҳаммалари мусиқа билан шуғулланишади. Тўрт йил аввал турмуш ўртоғим ва қайнонам билан маслаҳатлашиб, Олмазор шаҳарчасининг "Марказ" маҳалласида мана шу тикувчилик цехини очдик. Қайнонам менга дуо берарканлар, "Қизим тунларни бедор ўтказиб, тор хонада, диққинафас бўлиб қўйлақ тикканларинг ёдимда. Сендан илтимос, бу даргоҳга келган ҳар бир одамга саховатли бўл. Қўли калта ва ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлагин" дея бағрига босдилар. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай оламдан ўтдилар. Кейин тушундимки, бир онанинг фарзандига, бир қайнонанинг келинига қилган оқибати бундан-да зиёда бўлмайди. Агар қайнонам раҳматлининг панд-насиҳатига қулоқ тутмаганимда, эл ичида эътибор топмасдим.

Мана, чорак асрдирки, йилига беш-олти

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЯШАЙМИЗ

нафар моҳир тикувчи-шоғирдлар тайёрлайман. Ҳозир уларнинг кўпчилиги ўзи мустақил иш бошлаган. Келинларининг қўли хунарли бўлган қайноналарнинг суюниб дуо қилишларини айтмайсизми...

Келинчақларнинг миллий тўй либослари, сарполарини тикишда моҳир чевар бўлган Рамиля опанинг тикувчилик цехида тўрт нафар доимий, 10-15 нафар мавсумий иш ўринлари яратилган.

МАҲАЛЛА УСТУНИ

— Маҳаллага эндигина раис этиб сайланган кезларим эди, — дейди Чиноз туманидаги Хўжа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёдулла Назаров. — Қаҳратон киш. Худудимизда отанасидан айрилган болалар бор эди. Бепарволик қилишганими, уйларига ўт кетибди. Бу хабарни эшитиб, дарров ёрдамга ошиқдик. Йиғилган одамлар харчанд уринишмасин, оловни тўхтатиб қола олмадик. Уй бир зумда қулга айланди. Маҳалладошлар бошпанасиз қолганларга қўлларидан келгунча ёрдам кўрсатишди. Шунда кўпни кўрган, нуроний отахон Эргаш бобо Холматов

ташаббус кўрсатиб, "Оғайнилар, қўлдан берганга қўш ўймас, бундай пайтда фақат ҳашар йўли билангина қўмак бера оламиз", дея ҳаммани ишга даъват этди. Кўпники қўл, деганларича бор экан. Киш бўлишига қарамай, ҳалиги етим болаларнинг уйини битказдик. Ўшанда каттаю кичик, гўё ўзи учун иморат курган деган қувонди. Шунинг ўзи "Маҳалланг — ота-онанг" деган ҳикматнинг исботи эмасми?

— 1933 йили қаттиқ очарчилик бўлган экан, — дейди Эргаш ота. — Мен туғилган йили фақат ошқовоқ пишганини эшитганман. Бошқа егулик йўқ экан-да. Айтишларича, онамга кўзи ёргани учун бир бўлак ошқовоқ беришган ва шу неъмат билан онам ва мен жон сақлаб қолган эканмиз. Кўп азоб-қийинчиликларни кўрдик. Қаҳатчилик, уруш даврини кўрганлар бугунги дориломон тунларни қанчалар орзу қилишганини тасаввур қилайлик ва яшаётган ҳар бир лаҳзамизга шуқрона айтсак арзийди. Тинчлик, фаровонликни қадрга етайлик. Ҳозир ҳам бир четда томошабин бўлиб қараб ўтира олмаيمان. Маҳалламизнинг иссиқ-совуғидан, қувонч-ташвишидан ҳаммаша хабардор бўламан. Баъзан хорижга пул топаман деб кетиб, қайтиб келолмай юрганларнинг ота-оналари билан суҳбатлашиб, имкони борича қўмак беришга уриняймиз. Қўлида касби-кори бор ёшлар, уйда ўтирган ёки чет элга бориб алданиб қайтиб келган айрим хотин-қизларни иш билан



таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Дарвоқе, Эргаш отани излаб келганлар камдан кам ҳолатда уйдан топар экан. Деярли ҳар кун қайсидир юмуш ва ташвиш билан маҳалладошларига қўмак бераётган бу савобталаб отахон раҳматли Башорат ая билан сал кам ярим аср умр кечириб, икки ўғил беш қизни тарбиялаб, вояга етказибди. Бугун фарзанду неварачеваралари унинг атрофида парвона.

Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Тошкент вилояти.

ОИЛА ЖАВОҲИРИ

"Шундай аёллар бўлади, худди болалар пичоқ билан «уйин-уйин» қилганлари каби, улар ҳам ўзларининг хусн-тароватлари билан шундай ўйнашадилар. Қарабсизки, ўзларини ўзлари жароҳатлаб қўядилар».

Гюго Виктор Мари,
француз адиби

Украинанинг Черкасс шаҳрида истиқомат қилувчи икки қиз пластик операциядан сўнг қулоқларидан айрилиб қолди. Аслида улар қулоқларини бироз кичрайтириш ниятида эдилар. Мижозларнинг сўзларига қараганда, жарроҳ уларни операция тез ва муваффақиятли ўтишига ишонтирган. Аммо, операциядан сўнг бир неча соат ўтиб, бинт боғламалари олиб ташлангач, уларга қўшилиб қулоқлар ҳам ажралиб чиққан. Натижада жабрдийдаларнинг тахминан уч йили шифохонада ўтди. Бу вақт оралиғида улар хатони тўғрилашга қаратилган 14та операцияни бошдан ўтказишди.

Мазкур ҳолат бўйича маҳаллий прокуратура ўтказган текширувларда аниқланишича, операция чоғида кекса ҳамшира зарур кимёвий ара-лашма ўрнига адашиб, асбоб-ускуналарни дезинфекция қилишда фойдаланиладиган суюқликдан фойдаланган.

"Ўзинг ойда бўлсанг ҳам,
уйинг уйингда бўлсин"
Ўзбек мақоли

Биз қундузи қаерда бўлмайлик, қоронғи тушиши билан албатта уйимизга қайта-миз. Чунки, ўқиш ва ишдан кейин борадиган асосий кўргонимиз уйимиздир. Ҳеч бир жойда уйимизгадидек хотиржамликни топа олмаймиз. «Ўз уйинг — ўлан тўшагинг» деган ҳақ мақоли шундан юзага келган бўлса, ажабмас. Лекин, баъзида, айрим юртдошларимиз кўчага чиққанидан кейин ўз уйини, бола-чақасини, турмуш ўртоғини унутиб қўядиган ҳоллар ҳам бўлади. Ана шундай ҳоллар юз бермаслиги учун халқ юқоридаги мақолни тўқишга мажбур бўлган, деб айтиш мумкин.

НАЗИРА тайёрлади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дигелляция - 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо қўти ва саватлар ясаш — 2 ой.
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Ўқишни тутатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЖАЛ: Юнусобод дехон бозори бош тарафи еркасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЖАЛ: Қўйлақ кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қундузи)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз фарзандимиз Гуландон!

Сени тавааллуд кунинг муносабати билан чин иракдан муборакбод этамиз. Узоқ умр, мустақкам соғлиқ, боқий бахту иқбол сенга ҳаммаша йўлдош бўлишни тилаймиз. Оиламиз ва фарзандларинг бахтига омон бўлсин.



Самимий эҳтиром билан оила аъзоларинг номидан отанг Аҳмаджон

ЭЪЛОНИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Sobir polvon servis» МЧЖнинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

БИРИНЧИ ВОҶЕА

Адиба коллежни тамомлагач, Салима опанинг уйдан совчиларнинг оёғи узилмай қолди. Она қизининг келажакда тўкин-сочин яшашини истарди. Шу боис қўшни тумандан келган совчилар унга маъқулдек кўринди. Бўлғуси куёвнинг касб-корини суриштирганида, унинг хорижда ишлашини, яхши пул топишини айтишди. Салима опа шу йигитни кўз остига олиб қўйди. Уша кунлари маҳалласидаги ўқитувчилар хонадонидан ҳам Адибага совчилар келаятган эди. Уларнинг ўғли қайсидир институтда ўқирди. Қизининг шу йигитга кўнгли борлигини эшитган она, "Бу ҳали талаба бўлса, қандай қилиб рўзгор тебратади", дея уни қўйиб берди.

Хорижда ишлайдиган куёвинг бўлса, бошқа гап. Қизинг қўлини совуқ сувга урмайди. Эри юборган пулларни санаб, расамади билан ишлатиб, рўзгорини бутлаб юраверади. Она шундай хаёллар оғушида турмуш ўртоғи билан ҳам маслаҳатлашмай, совчиларга розилик бериб юборди. Аввалига ҳаммаси рисоладагидек эди. Қизи тушган ҳовли ҳавас қилгудек. Онанинг кўнгли хотиржам тортиди. Аммо орадан уч ой ўтгач, куёви яна хорижга жўнаб кетди. "Ҳозирча уйдаги ишларга қараб тур, кейинроқ сени ҳам олиб кетаман", дебди. Бунини эшитиб, қизи ҳам куёви билан дунёларни кўриб келадигандек Салима опанинг кўнгли кўтарилди.

Бу орада қизининг овсини ҳам ишлаб келаман, деб иккита ёш боласини ташлаб, хорижга кетиб қолди. Адиба бошқоронги бўлишига қарамай, овсининг бири олти ойлик, иккинчиси икки яшар боласини катта қилди. Тунлари ухламаганидан бечора қизинг кўзлари ичига тортиб кетганди. Шу аҳволда унинг кўзи ёриди. Она қизининг қийнаётганини кўриб, ичидан зил кетар, унга ёрдам бергиси келар, аммо илжани йўқ эди. Хотин қудаси оламан ўтган, эркак қуда бўлса ичкиликка муккасидан кетганди. Куёвининг юборётган пули рўзгор тебратишга арағ етарди. Қайночасининг мастликдаги хурмача қилиқларидан безор бўлган Адиба кечалари уч болани бағрига босиб, юрак ҳовучлаб, йиғлаб тонг оттирарди. Бунини эшитиб, Салима опа турмуш ўртоғи билан келишиб, қизини алоҳида ижара уйга кўчириб қўйди. Унинг бир ўзини ёлғиз қолдирсак, одамлар орасида гап-сўз

чиқмасин деган ўйда ўзи ҳам унинг уйдан оёқ узолмай қолди.

Ўзининг уйдаги неваралари ҳар куни этагига ёпишиб: "Бувижон кетманг, биз билан ухланг", деб хархаша қилишарди. Бу гапни эшитиб, бўғзига алланима тикилади. Хорижда ишлаб ул-бул нарса орттирмамми деган хаёлларда юрган куёвга ачинади.

Куёви боласи ёшига тўлганида келди. Аммо жажжи болакай йиғлаб, бегонасираб уни яқинига ҳам йўлатмади. Бола унга кўнглимай туриб, яна ортига қайтиб кетди. Адибанинг овсини эса уни ҳамон бир хизматкор, болаларининг энагаси ўрнида кўрарди. Устига-

манг. Худога шукр, ишим яхши. Одамни ўзининг элу рўзгордан қўймасин экан. Маҳалламиздагилар қарашини япти. Маошим рўзгорга етиб турибди. Кам фоизли кредит олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйсаммикан, деган ниятим бор. Мана тўйимизга ҳам етти йил бўлибди. Ниҳоят эртага охириги қарзимиздан қутуламиз. Куёвингизнинг тоғаси ўғил уйлаяпти, шунга яхши битта тўёна қилсам, елкамдан тоғ ағдарилади. Ана шундан кейин биз ҳам ўзимиз учун яшармиз", деди қизи маъюс жилмайиб.

— Овсинингнинг болаларини нима қиласан? — деб сўради Салима опа.

бўлди. Каромат болалари билан жуда қийналиб қолди. Камқонлик ва камқувватлиги туфайли боласи касалманд туғилди. Чақалогини катта қилгунча шифохонага қатнайвериб чарчади.

Боласи икки ёшга етганида ниҳоят турмуш ўртоғининг дарағи чиқди. Иш тоғганини, энди пул юбориб туришини айтиб кўнгироқ қилди. Ваъдасининг устидан чиқди ҳам. Каромат эрининг юборган пулларига сигир-бузоқ олдирди. Уларни боқишни эса болаларининг зиммасига юклади. Ҳатто кенжа ўғли Самандар мактабига бормаганида ҳам, ортиқча тергамади. Майли, молларга қарарсан, деб хурсанд бўлди. Бола

БОЛА КЎЗИДАГИ ЁШ

Йўл олис. Машина елдек учиб борарди. Ҳамроҳларимни кузатаман. Бувисининг бағрига бош қўйиб олган болакай эътиборимни тортиди. У жуда хомуш эди. Бир нуқтадан кўз узмасди. Беш яшар боланинг бунчалик гамгин қарашини одамнинг кўнглини эзади.

Унинг бувиси билан ҳолаҳвол сўраши баҳонасида танишиб олдим.

— Вокзалдан қайтаёпмиз, — деди у. — Қизим хорижга ишлагани кетаётганди. Уни кузатишга келувдик. Эри ичкиликка муккасидан кетган. Бир боласи иккита бўлмади. На уй курди, на бирор касб-корнинг бошини тутди... Охири бу бетайин билан яшаш қизимнинг жонига тегиб, ажрашишга қарор қилди. Яқинда узоқ қариндошимиз хорижда очган кафесига ишчи кераклигини айтиб қолди. Қизим бораман, деб оёқ тираб олди. Болалар ёшлигида гапингизга қулоқ соларкан, катта бўлгач, ота-оналари билан маслаҳатлашишни ҳам ўзларига эп билишмас экан.

Бувисини ота-онаси ҳақидаги гаплари ёқинқирамай болакай қовоғини уюб, терс бурилиб олди. Бувиси эса гапиришда давом этди. Сўлиб бораётган гулдай боланинг боши тобора қўйиб эгилар, ўпкаси тўлиб, бўғзига тикилаётган йигини базўр ичига ютарди. Шу маҳал телефон жиринглаб, сўхбатимиз бўлинди. "Алло, ҳа қизим, — дея гапоб берди буви. — Нима гап, поезд ҳали юрмадимми? Бизни ичкарига киргизишмади. Шунинг учун ортимизга қайта қолдик. Ҳа, ўғлингми, ахир, онаси узоққа кетган-ю, бола ҳафа бўлмай-дими, қизим!?"

Шу пайт болакай телефонни бувисининг қўлидан тортиб олди. "Ойижон, кетманг, жон ойижон, шу ерда ишласангиз ҳам бўлади-ку... Менга ҳеч нарса керакмас. Телефон ҳам, қиммат ўйинчоқлар ҳам керакмас. Сиз ёнимда бўлсангиз бўлди. Катта бўлсам, ўзим сизга ҳамма нарса олиб берадими. Илтимо, кетманг...", дея зорланди у.

Онаси унга нималар дегани бизга қоронғу. Аммо шу сўхбатдан сўнг болакай бирдан жимиб қолди. Унинг кўзларидаги мунг эса тобора каттириб борарди...

Бундай воқеалар одамни мулоҳазага чорлайди. Хорижга ноқонуний йўллар билан ишлашга оғланаётган ота-оналар нафақат оиласининг, фарзандларининг келажagini, балки ўзларининг саломатлиги, ҳақ-хуқуқларини ҳам гаровга қўяётганини қачон англаб етаркин-а?

Нигора ЭРКИНБОЙ қизи.

ҲАР ЁРНИ ҚИЛМА ОРЗУ...



устак хорижга жўнаб кетишидан олдин тўйда қилинган сарпо-суруқлар, харажатларнинг рўйхатини ва ким уларга қандай тўёна қилганини ёзиб, Адибанинг қўлига тутқазди ва: "Бу сизлар учун қарз, ҳаммасини қариндошуруғларнинг тўйларида эга-эгаларига қайтаринглар", деб кетганди.

Бу нарсаларни ўрни-жойига қўйиб, қайтаргунча Адибанинг силласи қуриди. Фаррошлик ҳам қилди, бомази, овсининг бири олти ойлик, иккинчиси икки яшар боласини катта қилди. Тунлари ухламаганидан бечора қизинг кўзлари ичига тортиб кетганди. Шу аҳволда унинг кўзи ёриди. Она қизининг қийнаётганини кўриб, ичидан зил кетар, унга ёрдам бергиси келар, аммо илжани йўқ эди. Хотин қудаси оламан ўтган, эркак қуда бўлса ичкиликка муккасидан кетганди. Куёвининг юборётган пули рўзгор тебратишга арағ етарди. Қайночасининг мастликдаги хурмача қилиқларидан безор бўлган Адиба кечалари уч болани бағрига босиб, юрак ҳовучлаб, йиғлаб тонг оттирарди. Бунини эшитиб, Салима опа турмуш ўртоғи билан келишиб, қизини алоҳида ижара уйга кўчириб қўйди. Унинг бир ўзини ёлғиз қолдирсак, одамлар орасида гап-сўз

— Нимаям қилардим, овсиним шўрлик яримжон. Оғир иш қила олмайдим. Болаларига ўзим кўз-қулоқ бўлмасам, ҳатто шуларни ҳам эплаб қаролмайди. Четда ишлаб пул топяпман, деб катта гапиришгани билан у ёқда кўча супириб юришар экан. Совуқ жон-жонидан ўтиб кетган. Куз бошланса, қўллари зирк-зирк оғрийди. Бармоқлари очилса, ёпилмайди. Унгаям қийин онажон...

Шундай дея кўзларига ёш тўлди унинг.

Салима опа қизининг ўзгарганини, анча журъатли бўлганини илғади. "Яхши касб-кори билан ҳаётда ўз ўрнини топан, ишлаган одам яхши-да. Мана энди Адиба бировнинг кўзига мўлтирамайди. Ўзига ҳам оиласидагиларга ҳам тиргак бўла олади", деган ўйда унга меҳри товланиб қаради...

ИККИНЧИ ВОҶЕА

...Самандар дўстларига қизиқиб, хорижга пул топиш илинжида отланганида Каромат учинчи фарзандига хомилдор эди. Эри жўнаб кетгач, қайнона-қайнотасининг қистови билан бошқа уйга кўчиб ўтишига тўғри келди. Етти ой ўтса ҳамки, на ўздан, на пулидан дарак



ГАЛА, ТЎДА, ГУРУХ, ПОДА...

Бу сўзлар одатда ҳайвонлар, балиқлар, қуш ва ҳашаротларга нисбатан ишлатилади. Дарҳақиқат, улар орасида ҳам муайян ихтимой тузум бор.

Асаларилар гуруҳ ҳолида дарахт коваклариди ёки шунга ўхшаш маконларда ўзларига ин қурадилар. Битта ари гуруҳи битта она малика, 80 мингга яқин ишчилардан ташкил топади. Унда озуқа тўплаш, ари сути ишлаб чиқариш, уянинг иқлимини тузатиш, тозалаш, ҳимоя ва шунга ўхшаш барча вазифаларни ишчи арилар бажарадилар. Ари уясидаги ҳар қаватда бир тузум мавжуд.

Чумолиларнинг эса жамоа бўлиб ишлаш, аскарий стратегия, ривожланган алоқа воситалари, қатъият, қусурсиз «шаҳар» ва «йўллар» қуриш масалаларида ҳатто инсонларга ўрнатқан тузумлари мавжуд. Улар озуқа топиб дамлайди, бола-



ларини парваришлайди, жамоаларини қўриқлайди. Ўзаро жуда кучли алоқа воситаси бўлган бу жонзотлар жамоавий бирлашув ва ихтисослашув жиҳатдан ҳеч бир ҳайвон тури билан қиёслаб бўлмайдиган даражада устуликка эга.

Биргаликда учадиган қушлар ҳам худди шу тарзда галанинг барча аъзолари учун посбонлик қилишади. Масалан, гала ҳолида учадиган чумчуқдан каттароқ қуш – сирғитқилар одатда ораларида маълум масофа сақлаб парвоз қилишади. Мабодо, бирор йиртқич қушни, масалан, бургутни қўриб қолишса, шу заҳоти ораларидаги очик жойларни тўлдирдилар. Бу эса бургутнинг гала ичига қириб олишига тўсқинлик қилади. Бургут ичкарига кирган тақдирда ҳам жуда қийналади ёки қанотлари лат ейди.



Сут эмизувчи ҳайвонлар таҳлика пайти жамоа бўлиб ҳаракат қилади. Масалан, зебралар душманларидан қочаётганларида болаларини тўданнинг ўртасига олади. Дельфинлар ҳам гуруҳ ҳолида кезадилар ва энг катта душманлари ҳисобланган акулага қарши жамоа бўлиб қаршилик кўрсатадилар.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ЕТТИ ОЙГИНА ЯШАБМАН

Университетда ўқиб юрган кезларим курсдошим Чарос билан яқин дугона бўлиб қолдим. У мени уйларида тез-тез меҳмонга олиб кетарди. Онаси атрофимда парвона бўлар, айланиб, ўргилиб, ўтқазгани жой тополмай қоларди. Мен ҳам бу оилага кўникиб, улардан ётсирамай-диган, ўз қариндошларимдек кўрадиган бўлдим. Бир куни Чарос мени акаси Рустам ёқтириб қолганини, шу кизга уйланаман деб оёқ тираб туриб олганини айтди. Тўғриси, бу йигит менга унча ёқмас, истараси совуқ бўлгани учун ундан ўзимни олиб қочардим. Нима бўлди-ю, дугонам барибир бошимни айлантириб, акасига тегишимга кўндирди. Тўйимиздан сўнг бир ҳафта ўтиб, тўсатдан Рустамнинг мазаси қочиб, ўрнидан турулмади. Бир ҳафта иссиғи тушмай алаҳсираб ётди. Шифохонага ётқизайлик десам, ҳеч ким гапимга эътибор бермади. Аҳволи оғирлашиб, қон қўса бошлагач, тез ёрдам қақирди. Кейин билсам, у болалигидан ўпка силлининг энг оғир формасига чалинган экан. Ўша кунги аҳволимни душманимга ҳам раво кўрмайман. Ўз дугонам мени алдаб, бахтсизлик гирдобига етаклагани учун ундан қаттиқ хафа бўлдим. Йиғладим, сиқтадим, охири тақдирнинг бундай оғир зарбаларига чидашга мажбур бўлдим. Эрим уч ой шифохонада даволаниб чиқди ва яримжон бўлиб қолди. Унинг шундай оғир касалга чалинганини билган ҳамқишлоқлари қизларини бермагач, оила сиридан беҳабар қизни танлашга қарор қилишган экан. Ҳомилам етти ойлик бўлганида шифокорлар эримнинг касали юқумли эканини айтишгач, иккилашиб қолдим. Ўз ҳаётимни-ку бой бердим аммо фарзандим ҳам бир умр одамлардан ўзини олиб қочиб яшашига чидаб турулмадим. Боланинг соғлигини ўйлаб, ажрашишга қарор қилдим. Ўғлим Ҳусниддин етти ёшга етганида отасини сўрайвергач, уни

етақлаб Навоийга бордим. Минг афсусли, Рустамнинг оламдан ўтганига беш йил бўлган экан...

Ҳозир мактабда ишлайман. Ўғлим иккинчи синфда ўқияпти. Мен бор-йўғи етти ойгина рўзгор кўрдим холос. Оила, меҳр-муҳаббат деган тушунчаларни ҳис этишга улгурмадим. Ёшим 31 да. 40-45 ёшгача бўлган, иймонли, касб-хунари тайин инсон билан тақдирим-



Бахтли бўлинг

ни боғлашни истайман.

МАҲБУБА,
Навоий вилояти.

ЎГИЛ-ҚИЗЛАР ЎЗИНИ ЎЙЛАР ЭКАН

— Алло, қизим, мен Фарғонадан кўнғироқ қилаяпман, ёшим 61 да, исми Толибжон. Узр энди, бир гапни сизга айтиш нуқулай-да.

— Нима гап экан, тоғажон?

— Кеча газетангиздаги «Бахтли бўлинг» деган саҳифани ўқиб қолдим, шу... десангиз мен ҳам...

— Уйланмоқчисиз, тўғрими,

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (махалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат – дорихона

ҚИШИН-ЁЗИН БИРДЕК СУЮМЛИ



Бодринг фойдали ва шифобахш сабзавотлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун барра ҳолида ҳам, тузламаси ҳам дастурхонимизга ҳамisha кўрк беради. Унинг таркибида органик кислоталар, минерал тузлар, В₁, В₂, В₉, РР, С витаминлари мавжуд. Овқат ҳазм қилиш, ёғ ҳамда оксил моддаларининг организмга сингишини осонлаштириш хусусиятига эга.

Таркибида жуда кўп миқдорда калий тузларининг мавжудлиги туфайли организмдаги ортикча сувни ҳайдайди. Шунингдек, юрак ҳамда

буйрак фаолиятини яхшилайди.

Бундан ташқари, унинг шарбати кучли йўтални камайтирибгина қолмай, ўт ва сийдик ажралишини кучайтириб, қабзиятдан фориг этади. Бодрингнинг фойдали томонларидан бири шуки, у асаб тизимини тинчлантириб, ички яллиғлинишга қарши қурашувчи воситадир.

Ибн Сино бодрингнинг сарғайиб пишганини ва палаги қайнатмасини гепатит, жигар касаллиқларида, гулларидан тайёрланган қайнатмани эса безгақ хасталигига тавсия этган. Уруғларидан тайёрланган ичимлик иситмада, буйрак оғриғида, нафас йўллари касалланганда фойдаланилган.

Шу кунларда уй бекалари бодринг тузлаш, маринадлаш ишлари билан банд. Шундай усуллардан бирини тавсия қилмоқчимиз.

2 литрли банкага 2 та булғор қалампери, 1 та аччиқ қалампир, 4-5 дона саримсоқийез, хрен япроғи, 2 тадан лавр япроғи, гилос барги ёки новдасидан солиб (бодрингдан чиқадиган газни ўзига тортиб олади), аввалдан яхшилаб ювиб, 2-3 соат совуқ сувга солиб қўйилган бодринг зич қилиб терилади. Устига қайноқ сув қуйиб, 30-40 дақиқа тургач, суви тўкилиб, яна қайноқ сув қуйилади. 3 мартаба шу тарзда банкадаги сув алмаштирилади. Сув учинчи бор тўкилгандан сўнг банкадаги бодринг устига 2 ош қошиқ туз, 1 ош қошиқ шакар, бир ярим чой қошиқ сирка солиб, устидан қайноқ сув қуйилиб, стерилланган қопқоқ билан ёпилади. Сўнг қалин матога ўраб қўйилади. Совуғач, қулай жойга тахланади. Бу усулда маринадланган бодринглар қишда ҳам қарсиллаб туради.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фарзандларингиз борми, ёки ёлғиз турасизми?

— Худойимга шуқр, тўрт ўғлим, бир қизим бор. Ҳаммаси уйли-жойли. Кенжатоё ўғлим билан яшайман. У эртадан кечгача ишда бўлади. Келиним ишламайди. Аммо уйда ҳам ўтирмайди. Ўғлим ишга кетди дегунча болаларини боғчага ташлаб, ўзи онасиникига жўнайди. Ўғлим ишдан қайтар пайти кириб келади. Кечгача ўзим ошхонада қуймаланиб, чой дамлаб, овқат пишириб юраман. Яқинда уйда мазам қочиб қолди, хайхотдай ҳовлида ҳеч ким йўқ эди.

Ҳалиям бахтимга қўшним чиқиб қолди, кейин шифохонага олиб борди. Очигини айтсам, бундай пайтда келинлар-ку бировнинг боласи, ўғиллар ҳам, қизлар ҳам барибир аёлинингизнинг ўрнини босолмас экан.

— Тўрт ўғлим бор деяписиз, уларникига ҳам бориб яшасангиз бўлади-ку?

— Э, нимасини айттайин қизим, катталари сизга кенжангиз қарасин, уйни ўшанга бергансиз, дейди. Улар утинларининг чизган чизигидан чиқмайди. Аёлим раҳматли тириклигида ҳаммаси яхшиюди.

— Фарзандларингиз уйланишингизга розими ишқилиб?

— Ҳа, ўзлари ҳам бирон аёл чиқса, сизни уйлантириб қўйсақ, кўнглимиз хотиржам бўларди, дейишяпти. Ҳовли-жойим каттагина. Ўзим томорқамизда қиройли боғ қилганман. Меваларингиз ҳар хил туридан бор. Ҳали анча бардақ, бақувватман. Фақатгина иссиқ-совуғимдан хабар олиб турадиган, бир меҳрибон топилса, хабар берарсизлар.

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

Кийимлардаги қаҳва доғини осон кетказиш учун ойналарни ювишга мўлжалланган суоқликка матони намлаб, ўша жойни артинг. Сўнгра таркибида оқартирувчи модда мавжуд бўлган сода билан ювинг.

Аччиқ бодом ёғи ва лимон суви юздаги доғ, сепкиларни кетказиш учун самарали восита ҳисобланади.

Узун сочларни учидан бошлаб таранг ва бунда ёғоч тароқдан фойдаланганингиз маъқул. Фен билан қуригандан сочлар хира тортиб, мўрт бўлиб қолади.

Табий чарм сумкаларни тозалаш учун уни вақти-вақти билан сирка қўшилган илиқ сувда артиб, сўнг юмшоқ мато ёрдамида тезда қуришти олиш лозим.

Дераза пардалари ва ёстиқ жилдларини ювишдан олдин тузли сувга 20 дақиқа ивйтиб қўйсангиз, ранги яхши очилиб узоқ вақт сақланади.

Сиркали сув билан артиб қуритилган идишларда ун, гуруч ва дуқакли маҳсулотларни сақласангиз, уларга мита тушмайди.

Лакланган мебеллар намланган мато билан артилса, хиралашиб қолади. Яхши-си, духоба ёки мебел артиш учун қўлланиладиган махсус матодан фойдаланганингиз маъқул.

Гулноза БОБОЕВА
тайёрлади.

ТИЛИ БОШҚА, ДИЛИ БОШҚА

Бир ойча аввал кўпдан бери қадрдон бўлган уч-тўрт аёл кўришиб қолди. Орамызда маҳалла кайвониси бўлган дугонамиз ўғлига келин излаётганини айтиб, "Мени биласизлар, деярли ҳар куни одамлар орасидан, тўй-тўйиқларга аралашиб, аёлларни кўлимдан келгунча серхашам, дабдабаозликлардан холи тадбирлар ўтказишга даъват қиламан. Сизларниям кўпчилик билади, агар танишбилишларингизда ақли, ўқиган, сариштали кизлар бўлса, айтинглар, совчиликка борайлик", деб қолди. Кейин гап орасида "Бизнинг оиламиз ўртаҳолроқ, мен ҳам, хўжайиним ҳам ортиқча дабдабани ёқтирмаймиз. Шунинг учун бўлгуси келиннинг мебелларию, ортиқча уй безатишларининг кераги йўқ, энг муҳими, ўзи чаққон, очик чехрали, хушмуомала ва тарбияли бўлса бас", деб қўшиб ҳам қўйди.

Унинг бундай самимий гапларини эшитиб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик ва киз излашга тушдик. Номзодлар орасидан бир кизнинг онаси билан уларникига "уй кўриш"га борган кунимиз кўнглимиз анча хотиржам тортиди. Боиси, дугонамизнинг ҳовлиси шинам ва саришталиги қуда бўлишига маъқул тушиб, кейин ёшларни учрашувга таклиф этди. Уйдаги янги ва замонавий рўзгор анжомларига ҳар қандай одамнинг ҳаваси келади. Бизларга тилидан бол томгудек оҳангда "Манави ошонамиз, уйимизда ҳамма нарса етарли. Уша сизларга айтган гапим гап, мен учун сепли эмас, эпли келин бўлса бас. Қолаверса, қизингиз инс-

титутни битирган, инглиз, япон тилларини ўрганган экан, айнан бизбол экан, тўйга биз тайёремиз, сизлардан жавоб кутамиз", дея чиройли қилиб кузатиб қўйди.

Йўл-йўлакай кизнинг онасига разм солганча, дугонамнинг оиласи, ўзи



ҳақидаги фикрини билгим келди. У ҳам "маъқул" дегандек бош иргаб қўйди ва ҳамма гап энди йигит-қизга боғлиқлигини айтиб, мен билан хайрлашди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, дугонам кўнгириқ қилиб, тўй таратдуди бошланиб кетганини айтиб, "Сизга минг раҳмат, жуда яхши одамлар экан, насиб этса, чиройли бир қўйлак кийдираман", деб қўйди. Мен эса гап содда-саломда эмаслигини, келажақда улар бахтли яшаб кетишса, шунинг ўзи катта давлат эканлигини изҳор этдим.

Бўлгуси кудаларнинг ҳам моддий шароити дугонамиз билан тенглигини эшитиб, анча суюндик. Қизига жуда қимматбахо бўлмасаям эл қатори мебел олиш ҳаракатига тушиб қол-

ган ўқитувчи аёлга қутилмаганда Мақсудахон осмондан тушгандек, "Опажон, қурбингиз етса, мебелнинг яхшисидан олинг, ётоқ ва меҳмонхона тўпламийа қимматбахо бўлса уялиб қолмайсизлар", дея биринчи шартини қўйибди. "Майли, ҳеч қимдан кам жойимиз йўқ, олсам, қизимга-ку", дея ким билади, қарз кўтарса-да, қизнинг онаси энг сўнги русумдаги мебелларни сотиб олибди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу пайтгача дугонамизнинг бизлар билмаган қилиқлари бир пасда очилди-қолди. Телефонда унинг қўлидаги гапларини эшитиб, ёқамни ушладим: "Қудажон, пардалар ҳам мебелга яраша бўлсин. Тагин биздан бесўроқ қандилнинг оддийроғини олиб қўйманг. Ҳа, ҳамма хоналарга олаверинг. Вой, гиламлар ҳам асл бўлсин-а"...

Йигит тарафнинг ҳамма "буюртма"ларини бекаму кўст бажарган кудалар энди ҳаммасидан қутилдик деб турганида, дугонамизнинг янги ошона тўплами, музлатгич, кир ювish машинаси ҳам олиши кераклиги ҳақидаги талабини эшитиб, томошабин бўлиб қараб туролмадим. Ошқора тарзда: "Ҳой, барака топгур, ўз тилингиз билан айтган эдингиз ахир, менга ҳеч қандай дабдаба керакмас, ҳозир санаган матоҳларнинг барини ўтган ҳафта уйингизда кўрган эдик-ку! Ёлғиз ўғлингизга келин оляписиз-а, бошқаларга ўхшаб уч-тўрт келин бир ҳовлида яшасангиз нима қилардингиз, бечора қудангиз қарз-ҳавола қилиб бўлсам шунча нарса олибди, уялингиз-е", дедим жаҳл аралаш. У барибир бўш келмади, ҳалиги нарсаларни кечагина арзон-гаровга сотиб юборганини айтиб, "Нима бўпти, янги келин баҳонасида уйим бир янгиламан яхши эмасми?" деса бўлади. Ана сизга тили бошқа, дили ва амали бошқа аёлнинг ҳеч бир мезонга сиймайдиган қилиқлари. Изоҳ ва фикр-мулоҳазаларни сиздан кутамиз, муҳтарам замондошлар!

Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ УЛУШИ БОР

Баъзан мерос талашаётган қариндош-уруғлар ҳақида эшитиб қоляпмиз. Аслида қимлар меросхўр бўлишлари мумкин?

Ш. Қосимова,
Тошкент шаҳри.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг тирик маҳалида ҳомила ҳолида туғилган фарзандлари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар ҳамда давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига қиради.

Мерос ҳуқуқи фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида олти ой муддатдан сўнг очилади.

Мерос қолдирувчининг сўнги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи саналади.

Агар мерос қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи

номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда мулкнинг асосий қисми мерос очилган жой деб

Баъзан фуқаролар тороғга бўлган ҳуқуқ тўғрисида олиш учун муурожаат улардан биринчи навбатлар орасида туғма ногинатта қобилиятсиз киши-росхўрлари борлиги тўғрисида суриштирилганда, айримлар аниқ-тиник жавоб бермайди ёки мерос берилишига рози бўлмаганлик ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай пайтда меросни расмийлаштираётган нотариус томонидан қонунда назарда тутилган моддаларда белгиланган талаблар батафсил тушунилади. Мерос қолдирувчининг вояга етмаган болалари ёки меҳнатта қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида, улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб олишга ҳақлиқлар.

Саволга Тошкент шаҳар Ҳамза тумани 1-сонли ДНИ катта нотариуси Шукруилла АКБАРОВ жавоб берди.



эса, кўчар турган жой ҳисобланади. Монидан меросида гувоҳноқ-қилинганда, да меросхўрон ёки меҳлар, яъни меросхўрлари борлиги тўғрисида суриштирилганда, айримлар аниқ-тиник жавоб бермайди ёки мерос берилишига рози бўлмаганлик ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай пайтда меросни расмийлаштираётган нотариус томонидан қонунда назарда тутилган моддаларда белгиланган талаблар батафсил тушунилади. Мерос қолдирувчининг вояга етмаган болалари ёки меҳнатта қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида, улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб олишга ҳақлиқлар.



ДМИТРИЙ ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Малайзияда яқунланган "Malaysian Chess Festival - 2013" халқаро турнирида ҳамюртимиз Дмитрий Қаюмов бош совринни кўлга киритди.

ФИДЕ қоидалари асосида швейцарча тизимда 9 турдан иборат бўлган мусобақада тажрибали гроссмейстеримиз етти ярим очко жамгарди.

Д.Қаюмов турнир давомида индонезия, вьетнам, малайзия, сингапур, филиппин ҳамда австралиялик шахматчиларни мағлубиятга учратди, сўнги турда сингапурлик Чо Кви Гиам билан дуранг ўйнади.

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Токио шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича ўтказилган XI жаҳон чемпионатида тўққиз олтин, саккизтадан кумуш ва бронза, жами йигирма беш медаль жамгарган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Жаҳон шотокан каратэ-до федерацияси (WSKF) шафелигида ташкил этилган нуфузли мусобақада дунёнинг қирққа яқин давлатидан келган спортчилар кумитэ – яккама-якка кураш ва ката – комплекс машқ бажариш бўйича ўзаро куч синнади.

Чемпионатда ўзбек шотокан каратэ-до мактаби тарбияланувчилари Ширин Раҳимова, Зулайхо Бобоева, Адхам Иброҳимов, Муҳаммадсиддик Абдумуталов, Иброҳим Ойназаров, Зиёдулла Ҳасанов, Муҳаммадабдулазиз Хўжақулов, Бехруз Чориев ва Закарёе Жавдатхўжаев шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

ЯНА БИР ЖУФТ МЕДАЛЬ

Хитойнинг Нанкин шаҳрида давом этаётган ўсмирлар ўртасидаги Осиё ўйинларининг учинчи кунинда Ўзбек дзюдочилари яна бир жуфт медални кўлга киритди.

81 килограмм вазн тоифасида Муҳриддин Мирзаёров кумуш медалга сазовор бўлди.

Қизлар мусобақасида эса 63 килограмм вазн тоифасида татамига чиққан Турсунпошша Нурметова учинчи ўринни кўлга киритди.

Осиё ўйинларининг дзюдо беллашувлари якунларига кўра, бир олтин, иккитадан кумуш ва бронза, жами бешта медаль жамгарган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари умумжамоа ҳисобида кучли ўлқикдан жой олди.

Интернет манбалари асосида И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

Миробод туман саноат касб-хунар таълим муассасасига қарашли буфет ижарага берилиши муносабати билан ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Манзил: Тошкент шаҳар Сарикўл кўчаси, 1-уй

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусаҳҳиҳлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Мақбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г – 828. Формати А3, ҳажми 2 табоқ, Адади – 6848. Баҳо-си келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 234-76-08

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5